## Хабарлар

### Ёш оилаларга амалий кўмак

***Мамлакат Президенти Ислом Каримовнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони Нукус туманида ҳам изчил тарзда бажарилмоқда.***

Ижтимоий ҳимоя йилининг ўтган даврида ҳомийлар томонидан 270 ёш оилаларга соғин сигир ва бузоқлар топширилди. 12 нафар ёш фуқароларга эса қорамол ва оилага зарур инвентар олишлари учун "Пахта Банк"нинг Ақманғит бўлимидан имтиёзли кредитлар берилди.

Шунингдек, 917 ёш оила аъзолари иш билан таъминланди.

### Кичкинтойлар қувончи чексиз

***Беруний шаҳридаги 18-болалар боғчаси қайта таъмирланди. Бундан 35 йил олдин қурилиб, нурай бошлаган бино бутунлай янги қиёфа касб этди.***

140 ўринга мўлжалланган мазкур масканда бунинг учун 187 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари қисқа муддатда адо этилди.

– Шинам, ёруғ, озода хоналарда тарбияланаётган кичкинтойларимизу ходимларимизнинг қувончлари чексиз, – дейди боғча мудираси Гулойим Примова.

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

*Қорақалпоғистон Республикаси*

# Яхши одамлар бор экан, ҳаёт мазмунлидир

***Турли сабабларга кўра ҳаётда ногирон бўлиб қолган, қалби ўксик, меҳр-шафқатга муҳтож инсонларни ёлғизлатиб қўймаслик, уларни ҳамиша руҳан қўллаб-қувватлаш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.***

Ана шунинг учун ҳам вилоятда ногиронларга ғамхўрлик ва ижтимоий ёрдамни яхшилаш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Уруш ва меҳнат фахрийларини тиббий-ижтимоий соғломлаштириш мақсадларига йўналтирилган ногиронларни реабилитация қилиш ҳудудий маркази, қариялар пансионати, "Маржон суви", "Гагарин маъданли суви" сиҳатгоҳлари фаолият кўрсатаяпти. Жиззах шаҳрида эса "Меҳр-мурувват шаҳарчаси" бунёд этилди.

Ана шундай эътибор, ғамхўрлик туфайли бир инсон ҳаётга қайтди. Одамлар орасида яна ўз ўрнини топди.

Дўстлик тумани ички ишлар бўлимида ишлайдиган Ҳабибулла Саримсоқовни қарийб 25 йилдан бери биламан. Тўсатдан унинг қўл-оёқлари ишламай қолди ва шифохонага тушди. Шифокорларнинг саъй-ҳаракати билан хасталикнинг ривожланиш хавфи бартараф этилди. Бироқ у киши тўшакка михланиб қолди. Аммо тушкунликка тушмади. Турмуш ўртоғи Фотима ая ва шогирдлари кўмагида жисмоний тарбия йўли билан даволана бошлади. Тинимсиз машқлар, қилинган ҳаракатлар бесамар кетмади. Оёқ-қўллари ҳаракатга кела бошлади.

Ҳабибулла Саримсоқов самбо бўйича спорт устаси, дзю-до бўйича спорт усталигига номзод, миллий кураш устаси, 60 ёшда бўлса-да, ҳамон спорт жонкуяри.

– Жисмоний тарбия ва спорт туфайли оёққа турдим, кўплаб шогирдлар тайёрлаб етиштирдим, – дейди Ҳабибулла ака биз билан суҳбатда. – Шогирдларим бугун менинг суянчиқларим. Улар менинг атрофимда доимо парвона. Уй ишларига қарашишади. Мени турли мусобақаларга ногиронлик аравачасида олиб боришади. Улардан миннатдорман.

Ёшларнинг меҳрибон устози Ҳабибулла Саримсоқовнинг Дўстлик туманидаги Ойбек номли хўжаликда яшаганида болаларни тўплаб уйида спорт мактаби очди. Унда 4 та тўгарак ташкил этди. Шахмат-шашка, кураш, бокс, теннис тўгаракларига ўнлаб ёшларни жалб этиб, ногиронлик аравачасида бўлса-да, спорт машғулотлари олиб борди. Қўлбола спорт жиҳозлари: кураш учун гилам, теннис ракеткаларини ўзида тайёрлади. Ҳ.Саримсоқов оиласи билан ўзи туғилиб ўсган Ғаллаорол туманига кўчиб бориб, бир неча йиллар умргузаронлик қилди. У ерда ҳам спортсевар ёшларни тўплаб, уйининг айрим хоналарини жиҳозлаб, қўлбола мосламалар ясаб, машғулотлар олиб борди. 60 нафар бола спортнинг барча турлари бўйича мураббийлардан сабоқ олди.

Матонатли инсон, спорт жонкуяри Ҳабибулла ака айни чоғда Мирзачўл туманидаги "Ипак йўли" қишлоғида яшаб, бу ерда ҳам

### ИБРАТ БЎЛГУЛИК...

спорт ташаббускори сифатида элга танилиб улгурди. Ҳовлисида "Спорт маркази" ташкил этди. Бу ерда кураш, оғир атлетика, шахмат-шашка тўгаракларини очди. 47 нафар қишлоқ болалари ушбу масканга жалб этилди. Унинг шогирдлари турли спорт мусобақалари ғолиблари – Султонбек вилоят биринчилигида кураш бўйича кумуш, Фарида Турон кураши бўйича бронза медалларини олишга муваффақ бўлишди.

– Ҳабибулла Саримсоқовнинг матонатига ҳаммамиз қойил қоламиз. Айрим тўрт мучаси соғ кишилар қилолмаётган ишларни уддаламоқда, – суҳбатни давом эттирди болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман вакили Мирзабек Норбоев. – Спортга қизиқувчи ёшларни тўплаш, қўлбола спорт жиҳозлари тайёрлаш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Ҳа, биринчи гуруҳ ногирони Ҳабибулла Саримсоқовнинг эзгу ва хайрли ишлари барчага ибратлидир.

**Бўрибой НОРҚУЛОВ**

*Жиззах вилояти*

## ТАБИАТ ВА БИЗ



***Қиш чилласи. Аччиқ совуқ аёвсиз заҳрини сочиб қулоқ ва бурунни чимчилайди. Ўтинчи Қурбон амаки қуриган арча шохларини эшагига ўнгариб тоғдаги ёлғизоёқ йўлдан қайтаркан, адашиб қолган айиқ боласига дуч келди ва оёғи тагидан чиққан тайёр ўлжани дарҳол хуржунига жойлади. У йўл-йўлакай ширин хаёллар билан ҳовлисига етиб келди. Кейин ўтинни туширар-туширмас унга жой ҳозирлашга киришиб кетди. Набиралари эса кўзлари мунчоқдек мўлтираб турган айиқча ёнидан асло нари жилмас, хурсандчиликларининг чеки-чегараси йўқ эди.***

# Она айиқ жасорати

Зум ўтмай бостирманинг бир четида мўъжазгина уйча тайёр бўлди. Қаймоқли, иссиқ ва тўйимли она сутидан бебаҳра бўлган жажжи жонивор сергўшт суяк, мева ва турли-туман ширинликлар билан парваришлана бошланди. Унга Шертой деб ном беришди.

Кунлар, ҳафталар ўтиб Шертойнинг жуссаси кичик бўлса-да, вазни орта борди. Оёқ панжаларидаги ўткир тирноқлари тезда кўзга ташланиб қолди. Бора-бора ақлли жонивор, ҳатто, қўшни ҳовлидаги болаларга ҳам ўрганиб қолди.

Наврўз тантаналарининг бирида кичкинтойлар Шертойни гавжум бўлган ўйингоҳга етаклаб олиб боришди. Унинг болалар ортидан қолмай лапанглаб эргашиши барчанинг диққат-эътиборини тортар ва ҳайратлантирарди. Кичкинтойларнинг эса оғзи қулоғида эди. Улар жажжи жониворни конфет, печенье, ҳўл мева каби ширинликлар билан сийлашни канда қилишмасди.

Қурбон амакининг ҳовли боғи тоғ ёнбағирларигача чўзилиб кетган бўлиб, ундаги мевали дарахтлар баҳор келиши билан қийғос гулга киради. Теварак-атроф нафис гулларга бурканиб, ажиб манзара касб этади. Кунлар исий бошлагач, боғ яқинидаги тепаликда девқомат айиқнинг тез-тез пайдо бўлиб туриши Қурбон амакини хавотирга сола бошлади. Авваллари унинг қордаги изларига кўзи тушса ҳам унчалик аҳамият бермаган экан. Кейинчалик ярим тунда махлуқ беўхшов ўкирадиган одат чиқарди. У ойнинг хира ёруғида ён-атрофга аланглаб чуқур нафас олар, жаҳл устида пишқирар ва шох-шаббаларни синдирарди. Охири баҳайр бўлсин-да, ишқилиб, деб қўярди Қурбон амаки.

Чақирилмаган меҳмон ёз кунларининг бирида озуқа танқислиги сезилмаса ҳам дабдурустдан ўтинчининг боғига ораларкан, нафсини жиловлай олмай ўрик, гилос ва олча дарахти шохларига осилганича болга тўлиб келаётган меваларни паққос тушира бошлади.

Махлуқ кейинги келишида бодом, олма ва сариқ дўланаларни ҳам эътибордан четда қолдирмади. Баъзида айиқ болалари ҳам озуқа илинжида базми жамшидга шерик бўлиб туришар, меваларни иштаҳа билан тановул қилишарди. Улар учун боғ роҳатмакон жойга айланиб қолди. Қисқаси, ўтинчининг ҳовли боғида тинчлик бўлмай қолди.

Куз. Нима бўлди-ю, саҳар пайти Қурбон амаки ҳовлига чиққанида не кўз билан кўрсинки, айиқчанинг ҳидини олиб келган бўлса керак икки-уч одим нарида она айиқ турарди. Шунда ўтинчи шошиб қолиб бешотарини қўлга олган ҳам эдики, махлуқ яшин тезлигида қўли билан милтиқни уриб учириб юборди. Кейин бир зумда орқага ўгирилиб, боласини тишлаб кўтарганча кўздан ғойиб бўлди. Ҳовлида ғала-ғовур ва шовқин-сурон кўтарилди. Бу воқеадан хабар топган қўни-қўшнилар нима илинса қўлига олиб она-бола айиқ ортидан қувлашга тушдилар. Лекин улар анча олислаб кетишганди. Паншаха, белкурак, таёқ ушлаган ёш-яланг ва қариялар тепаликка яқинлашганларида сандиқдай-сандиқдай келадиган тош бўлакларининг кетма-кет юмалаб келаётгани уларнинг юқорига чиқишларига имкон бермади.

Қўрқув ва оғриқдан безовталанган ўтинчи ўз қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлиб бир неча ҳафта кўнглига ҳеч нима сиғмасдан қўли ишга бормай юрди. Лекин орадан анча вақт ўтса-да, дарғазаб она айиқ ўтинчи Қурбон амакининг ҳовли-боғи яқинига бошқа йўламади.

**Абдулла САИДОВ**

# Ёнғин хавфи хатарли

## эҳтиёт бўлиш сизу бизнинг бурчимиз

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

***Жорий йилнинг ўтган ўн ойи маълумотлари билан танишсак, биргина Тошкент шаҳрининг Ҳамза тумани ҳудудида 160 та ёнғин содир бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Ушбу ёнғинлар натижасида 2 нафар фуқаро ҳалок бўлган, куйиш натижасида тан жароҳати олган фуқаролар эса 6 нафарни ташкил этади. Ушбу нохуш ҳолатлар натижасида давлатимизга ва фуқароларга 446000 сўмлик моддий зарар етган.***

Ҳамза тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги ходимлари "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги"ни пухта тайёргарлик асосида ўтказиш ва кузги-қишки иситиш мавсумига тайёргарлик кўриш ишлари бўйича туман ҳудудида жойлашган ишлаб чиқариш корхоналари, маданият муассасалари, мактаблар, боғчалар, касалхона ва аҳоли турар-жойларини назорат текширувидан ўтказмоқдалар.

Текширувларда газ ускуналардан айрим ҳолларда нотўғри равишда ва хоналарни иситиш мақсадида фойдаланилаётганлиги маълум бўлди. Бундай ҳолатлар ёнғин келтириб чиқармайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Муаммолардан яна бири бу хазон ва қуриган шох-шаббаларни ёқиб юборишдир. Хусусан, жорий



йилнинг сентябрь ва октябрь ойларида туман ҳудудида шу сабабдан 12 та ёнғин содир бўлган.

Ёнғинларнинг асосий қисми аҳоли турар-жой биноларида юзага келганлиги ўзини-ўзи бошқариш органлари, маҳалла фаоллари, фуқароларга масъулият юклайди. Ёнғинларнинг таҳлили эса унга дахлдор идоралар – газ таъминоти, электр таъминоти, ёнғинга қарши курашиш жамияти ходимларининг ҳамкорликдаги фаолият юритишига эҳтиёжни келтириб чиқаради. Уларнинг самарали ҳамкорлиги ёнғинларни олдини олишда муҳим ўрин тутади. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш орқали ёнғинни келиб чиқишини бартараф этган, давлат ва шахсий мол-мулкимизни ҳамда атрофимиздаги кишилар ҳаётини асраб қолган бўламиз.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, мулк талафоти, инсонлар жароҳатланишларининг олдини олишга нафақат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари, балки ҳар бир ташкилот, муассаса, корхона мутасаддилари, барча фуқаролар бирдай масъулдир.

**Анвар ЗИЯБЕКОВ, Ҳамза тумани ИИБ ЁХБ инспектори.**




*Футбол*

## Легионеримизнинг навбатдаги ютуғи

***Яқинда Қозоғистон Кубоги учун ўтган финал учрашуви билан мавсумга расман якун ясалди. Финалда ҳамюртимиз Улуғбек Бақоев иштирок этаётган "Тобол" жамоаси яна бир юртдошимиз Олег Собиров тўп сураётган "Ордабаси" жамоаси билан Тараз шаҳрида куч синашди.***

Қизиқарли кечган учрашувда "Тобол" жамоаси 3:0 ҳисобида ғалаба қозониб, ўз тарихида илк марта мамлакат кубогини қўлга киритди. Бақоев бошланғич таркибда майдонга тушиб, учрашувнинг 76-дақиқасигача тўп сурди. Унга гол уриш насиб қилмаган бўлса-да, учрашувда фаол ҳаракат қилган футболчилардан бири бўлди. Олег Собиров эса "Ордабаси" сафида баҳсни тўлиқ ўтказди.



Эслатиб ўтамиз, Улуғбек Бақоев Ўзбекистон миллий терма жамоасининг аъзоси ҳисобланади. Рауф Инилеев бошчилигида у "ЖЧ – 2010"га чиқиш учун 3-саралаш босқичида кураш олиб боради.

## Лёб ҳам тарихга кирди

*Ралли*

***Франциялик Себастьян Лёб классик ралли бўйича ўтказилган Жаҳон чемпионатида кетма-кет тўртинчи бор ғалаба қозонди.***

"Citroen" жамоасининг энг кучли спортчиси ҳал қилувчи босқич – Буюк Британия раллисида учинчи ўринни эгаллади.

Мазкур ўрин унга финляндиялик Маркус Гронхольмдан 4 очко ўзиб кетишига сабаб бўлди. Якунда 116 очко жамғарган Лёб ралли мусобақалари тарихида тўрт марта ғалаба қозонган учинчи пойгачи сифатида қайд этилди. Франциялик спортчидан олдин бундай муваффақиятга Финляндия шарафини ҳимоя қилган Юха Канкунян (1986, 1987, 1991, 1993 йиллар) ва Томми Мякинен (1996, 1997, 1998, 1999) сазовор бўлгандилар.

Себастьян Лёбнинг энг яқин таъқибчиси Маркус Гронхольм май ойидан октябргача умумий рўйхатда етакчи бўлиб турганди, аммо Ирландия раллисида ташаббус Лёб тарафига ўтиб, якунда франциялик спортчига омад кулиб боқди.

***2 декабрь куни Швейцариянинг Люцерн шаҳрида келгуси йили ўтказиладиган футбол бўйича Европа чемпионатига қуръа ташланди.***

## Чемпионатга қуръа ташланди

Катта тантанага бир қатор меҳмонлар, фахрий футбол юлдузлари ва чемпионатда иштирок этадиган жамоалар мураббийлари таклиф этилди.

Қуръада жамоалар тўрт гуруҳга бўлинди:

"А" гуруҳи: **Швейцария, Туркия, Португалия, Чехия**
"В" гуруҳи: **Австрия, Польша, Германия, Хорватия**
"С" гуруҳи: **Голландия, Франция, Руминия, Италия**
"D" гуруҳи: **Греция, Россия, Испания, Швеция**



Қуръага назар ташлар экансиз, энг кучли жамоалар "С" гуруҳидан ўрин эгаллаганига гувоҳ бўласиз. Қизиғи, саралаш ўйинларида кураш олиб борган Жаҳон чемпионлари Италия ва вице-чемпион Франция терма жамоаси яна бир-бирига қарши майдонга чиқади. Уларга дунёнинг кучли терма жамоаларидан бири Голландия рақиблик қилади. "D" гуруҳидаги Россия терма жамоасига кейинги босқичга чиқиш учун осон бўлмайди. Европанинг сўнгги чемпиони Греция, ўз футбол услубига эга Испания ва Скандинавия оролининг энг кучли жамоаси Швеция Гуус Хиддинк шогирдларига ҳақиқий "бош оғриқ" бўлиши табиий.

Европа чемпионати Австрия ва Швейцария яшил майдонларида 7 июндан 29 июнгача бўлиб ўтади.



*Теннис*

## АҚШ – Кубок соҳиби

***АҚШ терма жамоаси теннис бўйича Дэвис Кубогининг 2007 йилги ғолибига айланди. Ҳал қилувчи финал учрашувида америкалик теннисчилар Россия терма жамоасига қарши кортга чиқишди.***

Ўтган йили мазкур турнирда ғолиб чиққан Россия вакиллари ноанъанавий ўйин кўрсатишди. Натижада, учта ўйинни бой берган рус спортчилари сўнгги икки баҳсга ҳожат қолдиришмади. Аҳамиятлиси, Россия терма жамоаси энг кучли таркиб билан финалда иштирок этишганди. Дмитрий Турсунов ва Михаил Южний биринчи куни мағлубиятга учраган бўлса, Игорь Андреев ва Николай Давиденко жуфтлиги унча таниқли бўлмаган ака-ука Боб ҳамда Майк Брайанга имкониятни бой беришди. Шундай қилиб, АҚШ терма жамоаси ўз тарихида 32-марта Дэвис Кубоги ғолиблигини тантана қилди.

**Суннатилла ИСЛОМОВ**










## ТАЙЁРЛОВ КУРСИГА МАРҲАМАТ!

***Тошкент Давлат Аграр университети 2008-2009 ўқув йилида республикамизнинг барча олий ўқув юртларига тест синовлари асосида кириш учун 2008 йил 2 январдан бошлаб 6 ойлик пуллик тайёрлов курсига***

**ТИНГЛОВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

Тошкент Давлат Аграр университетининг пуллик тайёрлов курси тингловчиларни Ўзбекистон Республикасининг барча олий ўқув юртларига кириш учун математика, физика, кимё, биология, ўзбек тили ва адабиёти ҳамда чет тили фанлари бўйича тест синовларни топширишга тайёрлайди.

Тингловчиларнинг ўқиши, овқатланиши, даволаниши ва дам олишлари учун барча шароитлар мавжуд. Тингловчилар ётоқхона билан таъминланадилар. Ўқиш учун ойига 50 минг сўм маблағни нақд ёки пул ўтказиш йўли билан тўлаш мумкин.

Ҳарбий хизматни ўтаб, йўлланма билан келган ёшлар ҳамда "Меҳрибонлик уйлари" битирувчилари бепул ўқитилади ва давлат томонидан берилган барча имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ҳужжатлар 2007 йилнинг 31 декабригача қабул қилинади.

Ўқиш 2008 йил 2 январдан бошланади.

*Тайёрлов курсига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:*

1. Ариза.
2. 3х4 ўлчамли 2 доно фотосурат
3. Аттестат нусхаси

Тайёрлов курсида ўқиш университетнинг малакали профессор ва ўқитувчилари томонидан олиб борилади. Ўқиш тингловчиларнинг хоҳишларига кўра эрталабдан ёки тушликдан сўнг бошланиши мумкин.

***Ҳужжатлар тайёрлов курси биносининг 2-қават, 3-хонасида қабул қилинади. Мурожаат учун телефон: 260-48-49.***

## Ҳар тўғрида...

**Агар қулоқларингиз ўта юмшоқ бўлса, буйрагингиз носозлигидан далолат.**

Юпқалашган қулоқ чиғаноғи, шалвираб қолган солинчаклар иммунитет тизимининг заифлиги, организм қаршилигининг сустлиги белгисидир.

**Қулоқ сроминчаги ичидан қават-қават бўлиб қолган бўлса, юрак хасталиги, инфаркт яқинлашаётганлиги, диабет ва шишларнинг белгисидир.**

Қулоқларнинг тўғри тўртбурчак шаклини ола бошлаши эндокрин безлари, қон айланишининг ёмонлашаётганлигидан далолат беради.

**Бир қулоқ иккинчисидан фарқ қиладиган ҳолга келиб қолса, вужудда жисмоний, руҳий носозлик пайдо бўлаётганидан дарак беради.**

**Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ тайёрлади.**

Компания "TIGER TRADING LTD" АЗС г.Ташкент, Сабир Рахимовский район, ТКАД, м-в Медгородок, ул.Камарнисо арендный договор на землю площадью 11076 кв.м (в зоне реконструкции) относиться к ЗОНЕ-5 ОКОНХ 71211 кадастровый №1521480543 (1873) NOMER-10080401020019 10.06.2005 г. ДРЕГ 14.07.2005 НОМЕР Д 2955-2005 ДАТА 01.07.2005 в связи утерием, считать недействительным.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Саид АҲМАД, Ўктам БАРНОЕВ, Ағитай АДИЛОВ, Ўткир РАҲМАТ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб), Комилжон МАМАЖОНОВ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона -136-58-83,
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-54-44, 133-28-04, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04.
Факс - 133-44-43, 133-28-04, 133-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – 585-12-17, 223-57-53; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 542-05-18; Жиззах - 265-78-52; Навоий – 224-69-08; Наманган – 412-34-23; Фарғона – 224-81-69; Самарқанд – 222-29-97; Сурхондарё – 335-13-42, 465-26-61; Сирдарё – 372-38-13; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 726-35-81; Қашқадарё – 227-65-42.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
(т) -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-1118, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
E-mail: kishlokhayoti@mail.ru
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.50
Адади - 13178
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 6